



IV. ҚИШЛОҚ, ҰРМОН ВА БАЛИҚ ХҲЖАЛИГИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот(хизмат)ларининг умумий ҳажми 199 537,4 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 100,3 % ни, шу жумладан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 193 703,3 млрд. сўмни (100,2 %), ўрмон хўжалигида – 4 757,5 млрд. сўмни (103,1 %), балиқ хўжалигида – 1 076,6 млрд. сўмни (113,8 %) ташкил қилди.


**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)
ҳажмининг тақсимланиши**



**Худудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
маҳсулот (хизматлар)нинг ҳажми**




**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
маҳсулот (хизматлар)нинг ўсиш суръатлари**



Хусусан юкори ўсиш суръатлари Андижон (105,7 %), Бухоро (105,0 %) ва Навоий (103,9 %) вилоятларида кузатилди. Республика даражасига (100,3 %) нисбатан паст ўсиш суръатлари Самарканд (94,4 %), Қашқадарё (96,9 %), Сурхондарё (96,9 %), Сирдарё (97,9 %), Хоразм (98,9 %) ва Наманган (99,5 %) вилоятларида кузатилди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар) умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши



Республиканинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажмида Самарканд вилоятининг улуши 13,6 % ни ташкил этди ва ҳудудлар бўйича етакчилик қилмоқда, Андижон ва Тошкент вилоятлари мос равишда 10,9 % ва 10,7 % кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллади. Энг кам улуш Қорақалпоғистон Республикаси (3,3 %), Сирдарё (3,5 %) ва Навоий (4,7 %) вилоятларида қайд этилди.


Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

2018 йилнинг январь – декабрь ойларида ишлаб чиқарилганнинг ўсиши 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 100,2 % ни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари – 95,3 % ни, чорвачилик маҳсулотлари – 106,5 % ни ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида
деҳқончилик ва чорвачиликнинг улуши



Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари
ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши




2018 йилнинг январь-декабрь ойларида 192,7 трлн. сўмга тенг бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва ушбу ҳажмнинг 102,5 трлн. сўмга тенг қисми ёки 53,2 фоизи деҳқончилик, 90,2 трлн. сўмга тенг қисми ёки 46,8 фоизи чорвачилик соҳасига тўғри келади.

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари умумий ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши таҳлил қилинганда, Андижон, Наманган, Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё, Бухоро, Тошкент вилоятларида асосан деҳқончилик соҳасининг анча ривожланганлигини кўрсатади. Ушбу вилоятларда жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг 51,6 – 69,3 фоизини деҳқончилик маҳсулотлари ташкил этади.


Жиззах, Навоий, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида асосан чорвачилик соҳасининг анча ривожланганлигини кўрсатади. Ушбу вилоятларда жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг 52,5 – 61,5 фоизини чорвачилик маҳсулотлари ташкил этади.

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши



Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 70,0 % – деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 27,3 % – фермер хўжаликларига, 2,7 % – қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатмоқда.

**Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг
хўжаликлар тоифалари бўйича ҳудудлар кесимида тақсимланиши**



Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти улушининг ҳудудлар бўйича хўжаликлар тоифалари кесимида тақсимланиши таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткичлар барча ҳудудларда деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келиши кузатилди.

2018 йилнинг январь-декабрь ойлари яқунларига кўра фермер хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибидаги улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Самарқанд вилоятида (36,1%), деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиklarининг энг юқори улуши Навоий вилоятида (77,5%), қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг юқори улуши Тошкент вилоятида (7,5%) қайд этилди.

Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибидаги улуши бўйича энг кам кўрсаткич Навоий вилоятида (19,4 %), деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларининг энг кам улуши Самарқанд вилоятида (60,7 %), қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг кам улуши Андижон вилоятида (1,0 %) қайд этилди.

Деҳқончилик

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 102 495,1 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 95,3 % ни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 53,2 % ни ташкил қилди.


2018 йилнинг январь-декабрь ойларида хўжаликлар тоифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Барча тоифадаги хўжаликлар		шу жумладан:					
			фермер хўжаликлари		деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	минг т	ўсиш суръати %	минг т	ўсиш суръати %	минг т	ўсиш суръати %	минг т	ўсиш суръати %
Дон экинлари	6 375,4	87,5	5 020,5	87,6	1 215,6	84,6	139,3	117,3
Картошка	2 750,1	98,4	299,9	69,9	2 432,3	103,6	17,9	106,6
Сабзавотлар	9 635,1	94,3	2 328,1	77,7	7 162,0	101,0	145,0	108,4
Полиз	1 904,9	93,8	728,7	76,4	1 158,7	109,4	17,5	95,0
Мевалар ва резаворлар	2 589,7	99,0	911,6	94,6	1 620,1	101,0	58,0	121,7
Узум	1 564,5	96,2	677,6	91,5	860,9	99,9	26,0	113,7

Ҳосилни йиғиб олиш. 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда 6 375,4 минг тонна (87,5 %) дон экинлари ишлаб чиқарилди, 2 750,1 минг тонна (98,4 %) картошка кавлаб олинди, 9 635,1 минг тонна (94,3 %) сабзавотлар, 1 904,9 минг тонна (93,8 %) озикбоп полиз, 2 589,7 минг тонна (99,0 %) мевалар ва резаворлар, 1 564,5 минг тонна (96,2 %) узум йиғиб олинди.

Жами ишлаб чиқарилган дон экинлари таркиби таҳлил қилинганда дон экинларининг асосий қисмини ёки 86,1 фоизини бошоқли дон экинлари ташкил қилиши кузатилди. Шунингдек жами дон экинлари таркибининг 5,9 фоизи маккажўхори, 3,5 фоизи шоли, 3,4 фоизи дуккакли дон экинлари ва 1,1 фоизи бошқа дон экинлари ҳиссасига тўғри келади.


Асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хўжаликлар тоифаларининг улуши



Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари деҳқончилик маҳсулотларининг аксарият турларини асосий ишлаб чиқарувчилари бўлиб қолмоқда, ҳисобот даврида картошка умумий ҳажмининг 88,4 %, сабзавотларнинг 74,3 %, полизнинг 60,8 %, мевалар ва резаворларнинг 62,6 %, узумнинг 55,0 % улар томонидан ишлаб чиқарилди. Дон экинларининг эса асосий қисми фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилди, ишлаб чиқарилган ушбу маҳсулотлар ҳажмининг 78,7 % улар ҳиссасига тўғри келади.

2018 йилда республика барча тоифадаги хўжаликларида 2,3 млн. тонна пахта хом-ашёси ҳосили йиғиб олинди, бу ўтган йилга нисбатан 80,3% ни ташкил этди. Пахта хом-ашёсининг асосий қисми ёки йиғиб олинган ҳосилнинг 96,2 фоизи фермер хўжаликлари ҳисобига, қолган 3,8 фоизи бошқа тоифадаги хўжаликлар ҳисобига тўғри келади.

Пахта хом-ашёси ишлаб чиқариш




2018 йилдан бошлаб тўқимачилик саноати корхоналари ҳамда фермер хўжаликлари ўртасида бозор муносабатларини шакллантириш чора-тадбирларини изчил амалга ошириш доирасида мамлакатимизнинг 20 та туманида пахта толаси ишлаб чиқаришнинг кластерли шакли жорий этилди.


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 сентябрдаги "Пахта тўқимачилик маҳсулотини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарори билан 2019 йилда пахта тўқимачилари кластери 300 минг гектар экин майдонга ва уларнинг сони 44 тага кўпаяди.

2018 йил январь-декабрь ойларида ҳудудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш


Дон экинлари (минг т)



Картошка (минг т)



Сабзавотлар (минг т)



Полиз (минг т)



Мевалар ва резаворлар (минг т)



Ўзум (минг т)



Чорвачилик

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 90 204,1 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 106,5 % ни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 46,8 % ни ташкил этди.

2018 йилнинг январь - декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан тирик вазнда 2 417,4 минг тонна гўшт (2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан 5,7 % га кўп), 10 480,7 минг тонна сут (4,3 % га), 7 360,5 млн. дона тухум (16,2 % га), 1 082,6 минг дона қорақўл тери (0,7 % га) ишлаб чиқарилди.


2018 йилнинг январь-декабрь ойларида хўжаликлар тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Барча тоифадаги хўжаликлар		шу жумладан:					
			фермер хўжаликлари		деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	Миқдори	ўсиш суръати, %	Миқдори	ўсиш суръати, %	миқдори	ўсиш суръати, %	миқдори	ўсиш суръати, %
Гўшт тирик вазнда, минг т	2 417,4	105,7	98,0	141,3	2 238,7	104,3	80,7	112,7
Сут, минг т	10 480,7	104,3	372,9	110,4	10 018,6	103,9	89,2	130,3
Тухум, млн. дона	7 360,5	116,2	1 062,5	152,8	4 294,0	106,8	2 004,0	124,0
Жун, минг т.	35,0	96,3	2,8	126,6	30,6	94,4	1,6	92,9
Қоракўл, минг дона	1 082,6	100,7	78,8	131,8	901,3	99,5	102,5	93,9
Пилла минг т	17,9	143,5	14,3	125,1	х	х	3,6	340,0


Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, тирик вазндаги гўштнинг умумий ҳажмидан 92,6 % деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини қайд этиш лозим, шунингдек сутнинг 95,6 %, тухумнинг 58,4 %, жуннинг 87,5 %, қоракўл терининг 83,2 % ҳам деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади.

Худудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик ва балиқчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Гўшт (минг т)



Сут (минг т)



Тухум (млн. дона)



Пилла (т)



**Асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини
ишлаб чиқаришда хўжаликлар тоифаларининг улуши**



**2019 йилнинг 1 январь ҳолатига хўжаликлар тоифалари бўйича
чорва моллари ва паррандалар бош сони**


	Барча тоифадаги хўжаликлар		шу жумладан:					
			фермер хўжаликлари		деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	минг бош	ўсиш суръати, %	минг бош	ўсиш суръати, %	минг бош	ўсиш суръати, %	минг бош	ўсиш суръати, %
Йирик шохли қорамоллар	12726,6	102,0	634,3	103,0	11911,8	102,0	180,5	100,4
шу жумладан сигирлар	4522,2	104,3	210,3	100,0	4267,4	104,5	44,5	108,0
Қўй ва эчкилар	21287,4	103,1	2319,4	107,0	17904,6	103,1	1063,4	96,3
Паррандалар	81538,9	108,9	11488,5	124,0	47279,8	107,0	22770,6	106,4

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига йирик шохли қорамолларнинг умумий бош сони 12 726,6 минг бошга, шу жумладан сигирлар – 4 522,2 минг бошга, қўй ва эчкилар – 21 287,4 минг бошга, паррандалар – 81 538,9 минг бошга етди.

2018 йилнинг мос даври билан солиштирилганда барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони – 255,6 минг бошга (2,0 %га), шу жумладан сигирлар – 185,7 минг бошга (4,3 %га), қўй ва эчкилар – 646,5 минг бошга (3,1 %га), паррандалар – 6 668,8 минг бошга (8,9 %га) кўпайди.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, йирик шохли қорамолларнинг 5,0 % фермер хўжаликлари ҳиссасига, 93,6 % деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиklarига, 1,4 % қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим, шунга мос равишда қўй ва эчкиларнинг умумий сонидан 10,9 % фермер хўжалиklarига, 84,1 % деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиklarига, 5,0 % қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади, шунингдек паррандалар умумий сонидан 14,1 % фермер хўжалиklarига, 58,0 % деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиklarига, 27,9 % қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.

Чорва моллари ва паррандалар бош сонида хўжаликлар тоифаларининг улуши



- Фермер хўжаликлари
- Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига ҳудудлар кесимида чорва моллари ва паррандалар бош сони

Йирик шохли қорамоллар (минг бош)



шу жумладан сигирлар (минг бош)



Қўй ва эчкилар (минг бош)



Паррандалар (минг бош)

